

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ФАРАНГИЗ МУЗАФФАР ҚИЗИ

**САИД АҲМАД ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИДА
ЛИСОНИЙ ИМКОНияТЛАРНИНГ
НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1412 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Менглиев Бахтиёр Ражабович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абузалова Меҳринисо Қадировна филология фанлари доктори, профессор Умурқулов Бекпўлат филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил "10" *август* соат *09:00* даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети Бош биноси, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*18*-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "19" *август* кунини тарқатилди.
(2022 йил "19" *август* даги *18* рақамли реестр баённомаси).



Shodmonov
Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Tojnieva
Г.Н.Тожиёва
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.д. (DSc), доцент

Jabborov
Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
филол.ф.д. (DSc), доцент

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ФАРАНГИЗ МУЗАФФАР ҚИЗИ

**САИД АҲМАД ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИДА
ЛИСОНИЙ ИМКОНИАТЛАРНИНГ
НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1412 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абузалова Меҳринсо Қадировна
филология фанлари доктори, профессор

Умуркулов Бекпўлат
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети Бош биноси, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.д. (DSc), доцент

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
филол.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил имкониятларининг нутқда намоён бўлиш восита ва омилларини аниқлаш, баҳолашга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тилнинг лисоний, услубий, прагматик, лингвокультурологик, социолингвистик каби хусусиятларини белгилаш, лисоний-ижтимоий омиллар ҳамкорлиги таъсирини аниқлаш муайян матнлар асосида амалга оширилиши назарий-амалий аҳамиятга эга натижаларни тақдим қилиши шубҳасиз. Шу туфайли тил ва нутқ ҳодисалари тадқиқига нисбатан жиддий эътибор қаратилаётганлиги мавзунинг ёритиш заруратини юзага келтиради.

Дунё тилшунослигида тил ва нутқ диалектикаси энг кўп муҳокама қилинган ҳодисалардан ҳисобланади. Шунингдек, тил имкониятларини бирор шоир ёки ёзувчи услуби билан боғлиқ ҳолда текшириш ҳам долзарб вазифа сифатида қайд қилинади. Бугунги кунда тилни тизимий, прагматик, лингвомаданий, лингвопоэтик жиҳатдан қараш устунлик қилса-да, ҳар бир тил ўзининг тадқиқ эҳтиёжига кўра чуқур таҳлил қилинишни тақозо қилади. Бадиий тил, сўзлашув тили материаллари, муайян бадиий асар нутқи асосида лисоний имкониятларнинг воқеланиши ҳамда нутқий ифодалардаги ўзига хосликни илмий жиҳатдан асослаш ва баҳолаш зарурати тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам муайян ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, тил воситаларининг нутқда воқеланиши масалаларига эътибор янада кучаймоқда. Бадиий асарнинг эстетик қиймати, таъсирчанлиги, албатта, лисоний воситалар, тилнинг ифода имконияти ва ижодкорнинг тилдан фойдаланиш малакасига боғлиқ. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида олиб борилган қатор тадқиқотлар ўзбек тилининг ўзига хос грамматик-услубий хусусиятларини очиқ беришга бағишланди, аммо бадиий асарлар тилининг лексик-морфологик, грамматик хусусиятлари тадқиқига етарли даражада эътибор қаратилмади. Ҳажвий асарлар тилининг нутқий-лисоний хусусиятларини очиқ бериш ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси, шунингдек, услубиятининг ўзига хос ва умумий жиҳатларини аниқлашга хизмат қилади. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаши, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий”¹. Шу жиҳатдан ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини очиқ бериш, бадиий асар матнлари асосида тил бирлигининг маъно тараққиётини ўрганиш, мустақил сўз туркумларининг иштирок этиш даражасини, айниқса, ёрдамчи ва алоҳида сўз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони //www.lex.uz

туркумларининг, хусусан, юклама, ундовларнинг матндаги зарур кайфиятни таъминлашдаги ўрни ва вазифасини аниқлаш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий асарлар тили дунё миқёсида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам кўп ўрганилаётган масала доирасига мансуб. Зеро, тилнинг бор имконияти нутқда, яъни контекстда намоён бўлади, шунинг учун ҳам турли жанрларда ёзилган бадиий асарлар матни турли аспектларда текшириб кўрилмақда. Асарнинг тил хусусиятлари эса тадқиқотчилар томонидан турли аспектда ҳар хил методологик ва методик асосларга кўра таҳлил қилинади. Бадиий асарларнинг лисоний хусусиятлари жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган², тил сатҳлари лингвостилистик³, лингвопоэтик⁴ нуқтаи назардан текширилган, бироқ ҳажвий асарлар матнларининг морфологик хусусиятлари чуқур тадқиқ қилинмаган, ўзбек тилининг морфемикаси, морфологияси, ёрдамчи ва алоҳида сўз туркумларининг ҳажвий матндаги ўзига хос маъно ифодалаш алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган, ҳажвий кайфиятни таъминлаб берувчи асосий тил бирликлари, кулги ифодаловчи грамматик бирликлар махсус ўрганилмаган. Хусусан, Саид Аҳмад ҳажвий асарлари

² Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М., 1991. – С. 445; Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. – М: Русский язык, 1989. – С. 151; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001.

³ Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000; Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий публицистикасининг мавзувий таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 2. – Б. 52-55.

⁴ Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – № 4; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004.

тилининг лексик-грамматик хусусиятлари, грамматик воситаларнинг ҳажвий асар матнидаги ўрни ва аҳамияти алоҳида тадқиқот манбаи бўлмаган. Шу нуқтаи назардан Саид Аҳмад ижодига мансуб ҳажвий асарлар тилини лексик-морфологик, прагматик жиҳатдан тадқиқ қилиш назарий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳажвий асарлар бадиийлигини таъминлаб берувчи лексик-морфологик бирликларни, Саид Аҳмаднинг тил имкониятларидан фойдаланиш, сўз танлаш ва қўллаш маҳорати, морфологик воситаларнинг ҳажвий матндаги аҳамияти, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларининг иштироки, юклама ва ундовларнинг нутқий имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил ва нутқнинг ўзаро муносабати масаласи тадқиқи, бадиий асарлар тилининг ўрганилишига доир ёндашувларни таҳлил қилиш, муносабат билдириш;

Саид Аҳмад ҳажвий асарлари матнини лексик-морфологик, услубий-прагматик жиҳатдан тадқиқ қилиш, лексик-морфологик бирликларнинг лисоний-нутқий имкониятларини текшириш, лисоний-нолисоний омиллар таъсирини аниқлаш;

ҳажвий асарлар матни морфологик таркибини статистик таҳлил қилиш; айрим мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларининг, юклама ва ундовларнинг грамматик, услубий, прагматик хусусиятлари ва ифода имкониятларини таҳлил қилиш, тавсифлаш;

ҳажвий асарлар матнида қўлланган лексик-морфологик бирликларнинг фаоллик даражасини аниқлаш, услубий маъно ва вазифасини очиқ бериш;

таҳлиллар натижасида олинган хулосаларни умумлаштириш, тизимли тадқиқ натижалари асосида хулоса қилиш, нутқий имкониятларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони”, “Қуёв”, “Хандон писта” номли ҳажвий асарларидаги лисоний воситаларнинг нутқий воқеланиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини Саид Аҳмад ҳажвий асарлари матнида лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши, уларнинг мулоқот мақсади, нутқ вазияти ва шароити билан боғлиқ ифода хусусиятлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, контекстуал, дистрибутив ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Саид Аҳмад комедияларида юмор яратувчи воситаларнинг статистик таҳлиliga асосан кўп маъноли сўзлар, иборалар, окказионал фраземалар,

ўхшатишлар, халқ мақоллари, муболағалар, эркалаш воситалари, кўпол сўзлар, киноялар, чет тили сўзлари миқдоран кўп ва фаол қўлланувчи кулги ҳосил қилиш воситалар эканлиги аниқланган;

морфологик бирликларнинг нутқда кўчма, образли, услубий маъноларни ифодалаши адресантнинг коммуникатив мақсади ва нутқий вазият билан узвий алоқадорлигида рўй бериши асосида очиб берилган;

Саид Аҳмаднинг ҳажвий асарлари нутқида юморни таъминловчи восита сифатида от сўзлар ўрнида варваризм элементларининг қўлланилиши, от ва феълнинг луғавий шакллари услубий маъно ифодалаши, грамматик категорияларда услубий маъно мужассамлиги аниқланган;

адиб ҳажвий асарлари матнида *вой, оҳ, ия, ие, э, эҳ* каби ҳис-ҳаяжон; *ҳой, эй* каби диққат қаратиш, чақириш маъносини ифодаловчи ундов сўзлар фаол иштирок этиб, нутқ таъсирчанлиги ва қайта ишланган нутқнинг табиийлигини, нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлаши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек тили бирликларининг лисоний ва нутқий имкониятларини белгилаш ҳамда баҳолашда ўзбек тили нутқи, матн ва манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг лексика, морфология, услубият соҳалари ҳодисаларига доир изланишларда фойдаланиши, лексикология, морфология, услубият ва адабиётшуносликка доир илмий тадқиқотлар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги, олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Матн таҳлили”, “Таҳлилий ўқиш”, “Нутқ маданияти ва услубият асослари” каби фанлардан маъруза матнлари, тил ва адабий таълими дарсликлари учун материал сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саид Аҳмад ҳажвий асарларида лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Саид Аҳмад комедияларида юмор яратувчи воситаларнинг статистик таҳлиliga асосан кўп маъноли сўзлар, иборалар, окказионал фраземалар, ўхшатишлар, халқ мақоллари, муболағалар, эркалаш воситалари, кўпол сўзлар, киноялар, чет тили сўзлари миқдоран кўп ва фаол қўлланувчи кулги ҳосил қилиш воситалар эканлиги хусусидаги хулосаларидан профессор Бахтиёр Менглиев томонидан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши талабалари учун ёзилган 2018 йилда “Тафаккур бўстони” нашриётида нашр қилинган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 7 майдаги 01/4-884-сон маълумотномаси). Натижада дарсликдаги “Тил, лисон, нутқ муносабати” деб номланган 2-параграфда тил ва нутқ, тил бирликларининг лисоний имкониятлари ва нутқий хусусиятлари, лексема ва сўз, морфема ва кўшимча муносабати, ясама сўзларнинг лексемалашуви хусусидаги таҳлил ва тавсифни асослаш имконини берган;

Саид Аҳмад ҳажвий асарларида лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши, матндаги ҳажвий маънонинг кўчиш ва ифодаланиш сабаб ҳамда омилларига оид таҳлил ва хулосасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г003 “Ҳозирги Қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 15 ноябрдаги 17.01/276-сон маълумотномаси). Натижада ҳажвий асарлар тилининг лисоний-нутқий хусусиятларини фарқлаш, лисоний бирликларнинг ҳажвий матндаги ўрни ва вазифасини аниқлаш, ҳажвий асарга, матн муаллифи маҳоратига холис муносабатни ифодалаш юзасидан кўникмани шакллантириш, тавсиялар яратиш имконини берган;

жамият тараққиётида тилнинг ўрни ва аҳамияти, ҳажвий асарларда тил бирликларининг ифода имкониятлари, умумхалқ сўзлашув тилининг ўзига хос лексик таркиби, ижодкорнинг уларни танлаш ва қўллаш билан боғлиқ тажрибаси, нутқ шароити ва вазияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган лисоний-нутқий маъно ҳамда вазифалар бўйича амалга оширилган хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 мартдаги 17-05/91-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиштиришлар орқали ҳажвий асарлар матни асосида ўзбек тили ва унинг луғат бойлиги, лисоний-нутқий маъно ва хусусиятлари, мулоқот жараёнидаги фикр ифодалаш билан боғлиқ имкониятлари юзасидан бериладиган маълумотларни бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни чоп этилган 12 та илмий мақола (уларнинг 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналларда) ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Ишнинг биринчи боби **“Саид Аҳмад ҳажвий асарлари тилининг нутқий-прагматик хусусиятлари”** деб номланган, унинг таркибида ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларининг ўрганилиши, Саид Аҳмад ҳажвий асарларида айрим лисоний бирликларнинг нутқий ва прагматик имкониятларига доир масалалар талқини ўрин олган.

Бобнинг **“Ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларининг ўрганилиши”** деб номланган фаслида нутқнинг самарадорлик даражаси тил имкониятларидан мулоқот табиатига мос тўлақонли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланганлик ҳолати билан бевосита боғлиқлиги юзасидан талқин ва таҳлиллар амалга оширилган. Тил ва нутқ ҳодисалари узоқ даврлардан буён тадқиқотларнинг ўрганиш манбаи бўлиб келмоқда, тил ва нутққа ҳос грамматик, социолингвистик, прагматик, лингвокультурологик хусусиятларнинг тадқиқи натижаси тил ва нутқ, лисоний имконият ва нутқий ҳодиса муносабатини объектив баҳолашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. XVIII-XIX асрларда тил ва нутқ, тил ва тафаккур, лисон ва нутқ тушунчалари асосидаги ҳодиса ва хусусиятлар фалсафа, тилшуносликнинг тадқиқ манбаи бўлган⁵.

Маълумки, тилшуносликда лисон ва нутқни изчил фарқлаш, аввало, тилшунослар Вилгельм фон Хумболдт, Бодуэн де Куртене ва Фердинанд де Соссюр номи билан боғлиқ. Лисон ва нутқнинг изчил фарқланиши, тилга тизим сифатида ёндашув XX аср жаҳон тилшунослигида туб бурилиш сифатида баҳоланади⁶.

Тил нутқ ифодалашнинг деярли барча вазиятлари учун бирдек хизмат қила олиш имкониятига эга, муаллиф ундан маҳорат билан фойдалана олса, бас. Бадий асар халқ тилининг деярли барча ҳодиса ва белги-хусусиятини ўзида намоён қилади. Бадий асарнинг тили турли ёндашув, методологик ва методик асосларга кўра таҳлил қилинади. Бадий асарларнинг лисоний хусусиятлари жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган⁷, тил бирликлари лингвостилистик⁸, лингвопоэтик⁹ нуқтаи назардан атрофлича

⁵ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. – С. 69.

⁶ Mengliyev B.R. *Hozirgi o'zbek tili*. – Toshkent, 2010. – B. 41.

⁷ Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. – М: Русский язык, 1989. – С. 151; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М., 1991. – С. 445.

⁸ Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий публицистикасининг мавзувий таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 2. – Б. 52-55.

⁹ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004; Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000.

тадқиқ қилинган, бироқ Саид Аҳмад асарларида ҳажвий кайфиятни таъминлашга хизмат қилувчи лексик-морфологик бирликлар махсус ўрганилмаган.

Асарлари филологик тадқиқотлар учун объект бўлган таниқли адибларимиздан бири Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) ҳисобланади. Ёзувчининг қирқдан ортиқ тўплами, уч юздан ортиқ ҳикояси нашр қилинган. Адиб асарларида тил воситаларидан самарали фойдаланишга, хилма-хил, бетакрор бадиий тасвир яратишга, қаҳрамонлар нутқида халқнинг жонли тилини акс эттиришга, халқ тили жозибасини, юмористик хусусиятларини очиқ беришга, тил бирликларини муқобил ифодаларда беришга ҳаракат қилади¹⁰.

Саид Аҳмад ҳикояларининг тил хусусиятлари ва адибнинг тилдан фойдаланиш маҳорати¹¹, баён қилиш усуллари, персонаж нутқи, уни индивидуаллаштириш воситалари, ёзувчи асарларида муаллиф нутқи ва муаллиф баёни, ички нутқ, монолог, диалог, полилог шаклларининг қўлланилиши¹², “Келинлар кўзғолони” ва “Куёв” драмаларининг тил хусусиятлари ҳамда услуби, адиб ҳажвиётидаги бадиий маҳорат сирлари¹³ каби масалалар тадқиқи амалга оширилган. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов¹⁴, Н.Худойберганов, И.Ғафуров¹⁵, У.Ўлжабоев¹⁶ кабиларнинг тадқиқотлари ҳам шулар жумласидан.

Ўзбек тили имкониятларидан юқори ва самарали даражада фойдалана олган Саид Аҳмаднинг бадиий асарлари тилшунослик нуқтаи назаридан текширилган бўлса-да, тил бирликларининг асар қаҳрамонлари нутқида воқеланиш ҳолати ва омиллари масаласи, динамикаси, қиёсий аспекти, тил бирликларининг қўлланиш статистикаси, нутқда қўлланган бирликларнинг лексик-семантик, грамматик, синтактик ва услубий жиҳатлари яхлит ҳолда тўла тадқиқини топмаган.

Бобнинг **“Саид Аҳмад ҳажвий асарларида айрим лисоний бирликларнинг нутқий имкониятлари”** фаслида Саид Аҳмад комедияларида юмор яратувчи воситаларнинг статистик таҳлили ўрин олган. Шунга асосан, миқдоран кўп ва фаол қўлланиши нуқтаи назаридан кулги ҳосил қилиш воситалари қуйидагича тасниф асосида таҳлил қилинди: ибора, окказионал фразема, ўхшатиш, халқ мақоли, муболаға, эркалаш шакли, кўпол сўз, киноя, варваризм, касб-хунар сўзи, нарса-буюм номини кўчма маънода қўллаш, лақаб, антропоним, топоним, паралингвистик восита, овоз тони.

¹⁰ Саид Аҳмад асарлари библиографияси қуйидаги ишда келтирилган: Йўлдошев Б. Саид Аҳмад (библиография). – Самарқанд: СамДУ, 1977. – Б. 9-42.

¹¹ Пирматов К. Мастерство Саида Аҳмада – новеллиста: дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – С. 19.

¹² Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Аҳмада: дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979. – С. 16.

¹³ Аҳмедова Ш.Н. Саид Аҳмад ҳажвиётида бадиий маҳорат: филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 27.

¹⁴ Норматов У. Трилогиянинг туғилиши (ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбат) // Норматов У. Талант тарбияси (адабий ўйлар, суҳбатлар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – Б. 80-105.

¹⁵ Ғафуров И. Прозанинг шоири (Саид Аҳмад). Ижодий очерк. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 155-156.

¹⁶ Ўлжабоев У. Ўзбек ҳарбий прозасида характер яратишнинг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 40-76; Ўлжабоев У. Адабиётимизнинг замондош намояндалари (Саид Аҳмад) // Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъулияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 108-205.

Комедияларда эмоционаллик-экспрессивлик юмор ҳосил қилишнинг муҳим омилидир. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор сўзнинг семантик таркибида денотатив маъно билан бирга услубий бўёқ ҳам мавжуд бўлади. Бундай сўзлар орқали қаҳрамон руҳиятида кечаётган севинч, кўрқув, ғазаб ёки психологик жараёнлар ҳамда ёзувчининг тасвир объектига нисбатан субъектив муносабати акс эттирилади, масалан: Фармон (*Елкасига гилдиракни ташлаб майкачан турган Нигорани кўрсатиб*) *Шу шарманда билан тил топшаманми? Аҳволини қара?*; Фармон. *Ҳой бола, хотинингни яна шу алпозда кўрсам, мендан хафа бўлмайсан.* (К.қ., 4-бет)

Фармонбиби нутқида қўлланган бу каби бўёқдор сўзларнинг халқона оҳанг билан ифода этилиши ҳар қандай кишига тез таъсир этади: Фармон. *Кўп вақилламанлар. Ҳамманг уйингга бор.* (К.қ., 16-бет); *Ўлгур, найнов, шалвирамоқ, вақилламоқ* каби салбий бўёқдор сўзлар Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” асари матнида салмоқли ўрин тутади. Ўзбек бадий нутқининг луғавий ва услубий хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилган тилшунос Б.Умурқулов таъкидлаганидек, “...дароз, найнов, пандавақи, бадбашара, тасқара, хомсемиз, саваламоқ, гингшимоқ, вайсамоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, валдирамоқ, бақраймоқ, ўқраймоқ каби сўзлар кўпроқ оғзаки нутққа хос бўлиб, салбий муносабатларни ифодалашда қўлланади”¹⁷.

Саид Аҳмад комедияларида ҳам лақаблар (*маршал, генерал, мультфильм, гилдирак, шпион*), иборалар (*бошингга урасанми*), муболағалардан (*Юрса, ер титрарди. Йўталса, дарахтдаги қушлар пир этиб учиб кетарди. Акса урса, осмонда момоқалдироқ бўлиб, чақмоқ чақарди*) фойдаланиш, персонажлар нутқида қўлланиши чегараланган сўзларни ишлатиш (*ивирсиб, қаланги-қасанги, ўлгур*), ўхшатиш (*дазмолдек қизиб турибди*), халқ мақоли (*ишонмагин дўстингга, сомон тиқар нўстингга; зўрдан зўр чиқса, зўр бўйинини қисар*), эркалаш (*қоқиндиқ, бўйларингиздан ўргилай, гиргиттон*), терминлар (*А, Б, В, Г, Д витаминлар, клизма қилиш*), асардаги нарса-буюм отларига бошқача ном бериш (*кирим дафтари, чиқим дафтари*), чет тили сўзларини таржимасиз нутқда қўллаш (*патхалим, шпион, нервний*) кабилар кулги уйғотиш воситаси сифатида хизмат қилган.

Биринчи бобнинг “**Саид Аҳмад ҳажвий асарлари тилининг айрим прагматик имкониятлари**” деб номланган фаслида тил бирликларининг коммуникатив, прагматик хусусиятлари, нутқий фаолият билан боғлиқ маъно ва вазифалари “Келинлар кўзғолони”, “Куёв”, “Хандон писта” ҳажвий асарлари матни асосида таҳлил қилинди.

Маълумки, прагматика нутқ жараёни ва шароити, мулоқот мақсади, нутқ эгасининг турли ҳолатлари, ижтимоий фаолияти кабилар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун “прагматик маъно”, “прагматик ахборот”, “прагматик вазифа”¹⁸ барқарор моҳият касб этмайди, балки нутқ жараёни, нутқ иштирокчиларининг ўзаро мақсад ва муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти орқали юзага келувчи алоҳида прагмалингвистик ҳодисалар саналиши

¹⁷ Умурқулов Б. Бадий наср жозибаси [Матн]: ўқув-илмий. – Тошкент: Muharrir, 2021. – Б. 192.

¹⁸ Холматова В. Прагматика тушунчасининг талқини ҳақида // Хорижий филология. – Самарқанд, 2019. – Б. 45-49.

лозим. Нутқ эгасининг субъектив муносабати (ахборот бериш, сўраш, буюриш, илтимос қилиш, даъват этиш, маслаҳат бериш, узр сўраш, хайрихоҳлик билдириш, табриклаш, рад этиш кабилар); мулоқот маданияти, мақсади, сўзлашиш одоби ва қоидалари; нутқ эгасининг нияти ва мақсади; суҳбатдошларнинг дунёқараши, қизиқишлари кабилар прагматик омиллар саналади.

Ўзбек адабиётининг бетакрор намоёндаси Саид Аҳмад бошқа ижодкорларга ўхшамаган ўз нутқи ва ифода услубига эга, асарларидаги тасвир ва таъсир ўзгача. Адибнинг кулги асосига қурилган ҳажвияларининг ўзига хос салмоғи, бир томондан, баъзан енгил табассум тарзида қаҳрамонга мойиллик билан суғорилган самимий кулги, гоҳида эса аччиқ истехзо, заҳарханда тарзида қаҳрамондаги иллатдан ҳазар қилишга ундайдиган кулгининг бадий талқини билан ўлчанса, иккинчи томондан, ана шу бадий ниятни амалга оширишнинг бирламчи омили бўлган тил бирликлари имкониятларининг ишга солиниш даражаси билан баҳоланади.

Адиб асар матнини тузишда сўзлашув услуби талабидан келиб чиққан ҳолда умумистеъмолдаги ва қўлланилиши чегараланган сўз ва иборалардан, шунингдек, сўзлашув нутқига хос ифода ва бирликлар, шевага хос сўзлардан, касб-хунарга оид сўзлардан, чет тил сўзларининг сўзлашув тилидаги шаклларида прагматик мақсадни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланган. Жумладан:

Р а ҳ и м а. Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, ахир? Овқатингиз тайин, ўрнингиз солиғлик, кирингиз ювиқлик, яктагингиз у ёқда турсин, пайтавангизга ҳам дазмол босамиз, ўнгигаям, тескарисигаям босамиз. Дурустроқ кийиниб юринг, деймиз. Кимсан, бутун мамлакатга таниқли лимончи селекционер бўлсангиз. Ҳафтада бир телевизорга чиқиб лимондан гапирсангиз, газета-ю журналларда тинмай светной суратингиз чиқиб турган бўлса. Ҳали Туркменистон, ҳали Тожикистон, ҳали Қирғизистондан телефон устига телефон қилиб, лимонни қанақа экади, кўчатидан биттагина олишни иложи борми, деб сўраб туришган бўлса. Сал мундоқ ўз обрўингизга яраша иш тутингда, жон дадажон. (Саид Аҳмад, “Куёв”)

Раҳима Ғанивойнинг келини, у ўзбекнинг оилавий қадриятларига монанд равишда ўз қайнона ва қайнотасини ҳам парваришлаши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши лозим. Ёзувчи персонажнинг нутқи орқали ҳам бу муносабатни лўнда ифодалашни уддалаган. Ижтимоий-маиший масалалар, инсон турмушидаги ташвишлар доирасида овқатланиш, озода кийиниш, покиза ётиб-туриш кабилар муҳим деб қаралишини эътибордан қочирмаган матн тузувчи бунга алоҳида урғу беради ва уни назардан четда қолдирмайди.

Таҳлил қилинаётган матннинг прагматик табиатини иккига ажратиш лозим бўлади: биринчиси, уйланиш тараддудига тушиб қолган отахоннинг келини Раҳима мулоқот иштирокчилари, суҳбатдошлар даврасида – кўни-кўшни, эри, қайнопа-ю қайнсингиллар олдида қайнотасининг уйланиш қарорига келиб қолишига ўзининг сабабчи – айбдор эмаслигини кўрсатиш, ўзини оқлаб олиш баёни (*Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, ахир? Овқатингиз тайин, ўрнингиз солиғлик, кирингиз ювиқлик, яктагингиз у ёқда турсин,*

пайтавангизга ҳам дазмол босамиз, ўнгигаям, тескарисигаям босамиз. Дурустроқ кийиниб юринг, деймиз.) бўлса, иккинчиси, қайнотасини уйланиш қароридан қайтариш мақсадига йўналтирилган баён (*Кимсан, бутун мамлакатга таниқли лимончи селекционер бўлсангиз. Ҳафтада бир телевизорга чиқиб лимондан гапирсангиз, газета-ю журналларда тинмай светной суратингиз чиқиб турган бўлса. Ҳали Туркменистон, ҳали Тожикистон, ҳали Қирғизистондан телефон устига телефон қилиб, лимонни қанақа экади, кўчатидан биттагина олишни иложи борми, деб сўраб туришган бўлса. Сал мундоқ ўз обрўингизга яраша иш тутингда, жон дадажон*). Нутқнинг ажратилган биринчи қисми нутқ эгасининг ўзини оқлаш, айбдор эмасликни кўрсатиш учун тузилган нутқ сифатида, иккинчи қисми эса суҳбатдошни ўз қароридан қайтариш учун даъват қилиш нутқи сифатида белгилаш мумкин. Бундан маълум бўладики, келтирилган нутқ вазиятида икки хил прагматик мақсад мужассамлашган: биринчиси, ўзини оқлаш прагматик мақсадни, иккинчиси эса даъват этиш прагматик мақсадни таъминлаш учун хизмат қилган.

Матн муаллифи, яратувчиси Саид Аҳмаднинг мазкур ҳолат ва тасвирлар билан боғлиқ хизмати тил бирлиги имкониятларини ва прагматик вазиятни тўғри баҳолаши, тил бирликларини прагматик мақсад ҳамда нутқ шароитига мос ҳолда қўллаши билан белгиланади. Демак, бадиий асарлар матнининг прагматик, стилистик ёндашув асосидаги талқини орқали лисоний ва нолисоний ҳодисалар уйғунлиги, фикр ифодалашнинг энг мақбул восита ва усуллари, нутқ одоби ва мулоқот маданиятининг муҳим ижтимоий-маърифий аҳамияти намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Саид Аҳмад ҳажвияларида айрим морфологик бирликларнинг нутқдаги ифодаси”** деб номланган иккинчи бобида ҳажвий асарлар матнининг морфологик таркиби, сўз туркумларининг ўзига хос ифода хусусиятлари, ясама сўзларнинг таҳлили ва айрим тавсифий жиҳатлари ёритилган.

Бобнинг **“Ҳажвий асарлар матнида қўлланган сўзларнинг морфологик таркиби ва тавсифи”** деб номланган фасли морфологик бирликлар, уларнинг нутқда воқеланишига таъсир қилувчи лисоний ва нолисоний омиллар, морфологик воситалар ва нутқий ифода мазмуни муносабати масалалари таҳлилга тортилди.

Морфологик бирликларнинг нутқда ишлатилиши билан боғлиқ масалага тўхталганда, энг аввало, нутқий вазиятни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Нутқда морфологик бирликлар ўзининг соф грамматик маъно ташиш вазифасинигина бажармайди. Маълумки, **“Морфологик бирликларнинг эстетик вазифаси деганда махсус сўз формалари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно ва функцияга эга бўлган сўз формасини махсус қўллаш орқали экспрессивлик-эмоционаллик тушунилади”**¹⁹. Тадқиқотга

¹⁹ Qurbonova M., Ma'rufjonov M. Matn tilshunosligi. – Toshkent: Universitet, 2014. – B. 72.

кўра, сўз ва гапларни фақат морфологик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унинг нутқий ифодадаги мазмунини тўлиқ аниқлаш мумкин эмас²⁰.

Бизнингча, морфологик бирликларнинг нутқда турли маъноларни ифодалаш адрессантнинг коммуникатив мақсади ва нутқий вазият билан узвий алоқадорлиги асосида рўй беради. Таҳлил объектими бўлган асарларда сатирик ва юмористик кайфият етакчилик қилади. Сатира ва юморни ифодалашда фонетик, лексик, морфологик бирликлар муайян мазмун йўналишига мувофиқ танланади. Ҳажвий асарларда юмор ва сатиранинг экспрессивлик даражасини белгилашда морфологик бирликларнинг танланиши ва қўлланилиши, унга алоҳида бадиий юкнинг юкланиши муҳим аҳамият касб этади. Кузатиш ва таҳлилларга кўра, асар тилида от сўз туркуми юморни таъминловчи восита сифатида қуйидаги хусусиятларни намоён этади: от ўрнида варваризм элементларининг қўлланилиши; отларнинг луғавий шакллари услубий маъно ифодалаш; отга хос грамматик категорияларда услубий маънонинг мужассамлиги.

Варваризм, вульгаризмлар сўзлашув нутқида хос, маънолари адабий тил бирлиги саналмайди, уларни қўллаш нутқ маданиятига хилоф деб қаралади, аммо бадиий асар тилида, айниқса, жонли сўзлашув нутқида асосланган диалогга бой комедик асарлар матнида бундай сўзлардан услубий восита, яъни прагматик маъно ифодалаш воситаси сифатида самарали фойдаланилади. Бу ҳолат қайд қилинган уч ҳажвий асар матни мисолида кузатилганда варваризмлар қўлланишининг миқдор ва фоиз кўрсаткичи қуйидагича тарзда эканлиги аниқланди:

“Куёв” (варваризм-лар)	Умумий сўзлар миқдори	“Келинлар кўзғолони” (варваризм-лар)	Умумий сўзлар миқдори	“Хандон писта” (варваризм-лар)	Умумий сўзлар миқдори
83	13656	91 (35 та сифат ва бошқа туркумга оид сўзлар)	14556	24	1651

Ушбу жадвалда варваризмнинг қўлланилиш частотаси келтирилган, шунингдек, от туркумига оид сўзларнинг бошқа туркум сўзларига нисбатан етакчилик қилиши, рус тилидаги сўзларнинг нутқий вазиятга қараб қўлланишини кузатиш мумкин. “Куёв” пьесасида варваризмлар эркаклар нутқида нисбатан аёллар нутқида фаол қўлланилади.

Луғавий шакллар сирасига мансуб сон категорияси сатирик мазмунни ифодалаш учун қўлланилган ўринлар салмоқли. *-лар* кўплик шакли нутқ жараёнида ғзаб, ирония мазмунни ифодалашда, исмларни кесимга хословчи шакллар таркибида қўлланганда алоҳида бўёқдорлик касб этади: *Ия, ия, ҳали ниятларинг шумиди?! Онангни кетидан мени ҳам жўнатмоқчимисанлар? Ўлимимни кутиб ўтирган экансанлар-да.* (С.Аҳмад, “Куёв”)

²⁰ Dokulil M. T vorem slo v v cestin e, 1. Teorie odvozovam slo v . – Praha, 1962. – P. 210.

Саид Аҳмаднинг қаламига мансуб ҳажвий асарлар матнида сатирик ва юмористик мазмунни ифодалашда мустақил сўз туркумлари сирасидаги сифат, сон, олмош, феълларнинг грамматик шакллари салмоқли ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пьесаларнинг юмористик мазмунни ифода этишда сифатга хос даража шакллари (*Б а ҳ р и ... Қишда сой бўйига борсангиз, шир-ялангоч бўлиб, музни тешиб, чўмилаётганини кўрасиз; М у ҳ а й ё. Овсинингиз хийлача айёр.* (С.Аҳмад, “Куёв”); феълларда замон ҳамда шахс-сон маъносининг кўчиши (*М а ъ м у р. Уйқуга тўймай ўлиб кетарканмиз-да. Бор, сочиқни олиб кел!*); майл воситалари (*М а ҳ к а м. Ёшинг 50 дан ошиб қолган бўлса, ойинг неча ёшлигини ўзиям билмаса. Сенга кўзи учиб тургандир. Борсанг, танирмикан?*) ўзига хос аҳамият касб этади, улар орқали сатирик мазмунга эмоционал-экспрессивлик қўшилади.

“Саид Аҳмад ҳажвияларида қўлланилган айрим мустақил сўз туркумларининг ўзига хос ифода хусусиятлари” деб номланган фаслда мустақил сўз туркумига мансуб бирликларнинг ҳажвий асар матнларида қўлланиши, грамматик ва услубий имкониятлари юзасидан таҳлил амалга оширилган.

Ҳажвий асарлар матнида кўмакчи феълли сўз қўшилмаларининг қисқартирилган, фонетик ўзгаришга учраган шаклда ифодалашнинг типик ҳолати мавжуд. Айниқса, етакчи ва ёрдамчи феълларнинг қўшилган ҳолатда ифодаланишида муайян прагматик мақсад етакчи ўрин тутади ва нутқнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилиши кузатилади: *Яна опчиқибди. Бало, бало, бу кампир; мясорубкадан ўтқазворади; Эрининг ўзи кўпиртирворади.*

-роқ қўшимчаси феълга бирикиб, грамматик жиҳатдан ҳаракат маъносини озайтиришга, прагматик жиҳатдан эса адресантнинг ўз суҳбатдошга нисбатан субъектив муносабатини ифодалашга хизмат қилган: *Ф а р м о н. Айбга буюрмайсизу, сизни танимайроқ турибман.*

Замон қўшимчаларини қўллашда қўшимча таркибидаги ундошнинг жарангсиз жуфтини қўллаш орқали сўзлашув нутқида хос табиийликни ҳамда нутқнинг жонли тарзда ифодаланишини таъминлаш мақсади мавжуд: *Сартарошхонадан чиқиб, хозмагга кириптилар; Ўлиптими. Қоронғи тушиб қолганда-я? Бу нодон бола адаштирворипти-да.*

Феъл туркумига оид қўшма сўз ясалишида бошқа тилдан кирган сўзни қўшма сўз таркибий қисми сифатида қўллаш ҳолатида ҳам ўзгача мақсад ифодаси мавжуд: *Минг чиройли бўлгани билан, бари бир попирис чекади.*

Феъл шакллари орқали субъектив муносабатнинг ифодаланиш ҳолати ҳам ҳажвий асарлар матнига хос: *Ғ а н и. Бўпти. Кўп вайсайвермаларинг. Ёз, дедимми, ёз! Хотин танлайдиган менми, ё сенларми? Қани, яна борми?* Ушбу нутқ парчасида салбий бўёқдор *вайсамоқ* сўзини кўмакчи феълли сўз қўшилмаси таркибида қўллаш ҳамда маънони янада кучли ифодалаш учун шахс-сон шаклини ҳам биргаликда ишлатиш орқали прагматик мақсадга монанд мазмун таъминланилишига эришилган.

Саид Аҳмаднинг ҳажвий асарлари матнида олмошлар ҳам ўзига хос шакл ва маънони намоён қилади: *Анавуни қаранглр, анавуни!; Манавини*

келганига ўн кун бўлмай бошқа келинларимни ҳам йўлдан урди. Войдод, войдод...; **Манаву** мулла акаларинг сизларни «пон» қилармиш. Радиодан кепти. Вой-бў! **Шундо-оғ** денг... Жуда ўзларига оро бериб қолдилар...; **Сендақа** иззатини билмаган меҳмондан ўргилдим.

Контекстда -лар шаклининг хурмат (*Х о т и н. Фармон бибининг уйлари шуми?*), маънони кучайтириш ва танбеҳ каби маъноларни (*Ж ў р а. ... Сенлар ҳам бир қарайсанлар, икки қарайсанлар, учинчи галда бурниларингни жийирасан... Ҳамманг шидасанлар*) ифодалаши ҳам кузатилади.

От сўзларни жуфт қўллаш орқали сўзлашув услуби оттенкасини кучайтириш ҳолати ҳам таъминланган: *хизмат-пизматинг, парда-мардасини* каби. Айрим ўринларда адабий сўзлашув меъеридан чекиниш ҳолати ҳам бадиий-прагматик мақсад учун хизмат қилдирилган: *исполком, вот, газийта, кандидоти, Найим Каримун, Норматун* каби.

Сифат туркумига оид сўзларга хос хусусият айрим ўринларда ёзувчи услубини шакллантиришга хизмат қилган. *Х о т и н. Мени ҳам ўгил-қизларим бор. Улар ҳам сизнинг болаларингизга ўхшаб, мартабаликкина бўлса деб ният қилганман;* Бунда *мартабали* сифати *мартабалик* шаклида қўлланган ҳамда *-кина* шакли орқали субъектив муносабат ифодаланган.

Кузатувимиздаги ҳажвий асарлар матнида ўзбек адабий тили меъерига мос бўлмаган, бироқ сўзлашув нутқида фаол бўлган ўзга тил сўзларини қўллаш ҳолатида ҳам услубий вазифа бажаришга бўйсундирилганлигига гувоҳ бўламиз: *успакаюший, гатоп, точний, падрушка, васпалиний локки, починайса қилади, нервний қилиб қўйган, расчёт қилиб кет* каби.

“Саид Аҳмад ҳажвияларида қўлланилган ясама сўзлар таҳлили ва айрим тавсифий жиҳатлари” фаслида ўзбек тилида сўз ясалишининг назарий асосларига оид ёндашувлар, сўз ясалиш усуллари, ясама сўз, ясовчи асос каби масалалар талқинига муносабат, ҳажвий асарларда қўлланган ясама сўзларнинг ўрни ва аҳамияти каби масалалар таҳлили ёритилган.

Ясама от сўзларнинг маъновий гуруҳлари шахс оти, нарса-буюм оти, ўрин-жой оти, фаолият жараён оти сифатида ажратилади. Қуйида Саид Аҳмаднинг ҳажвий асарларида қўлланган отларни мазкур маъновий гуруҳлар кесимида қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Нарса-буюм отлари: *ёзув, терим, кирим, йигим, тешик, кийим, чиқим, хўрозқанд, гилдирак, қуришов, суянчиқ, тирноқ, тугун, гилдирак.*

2. Ўрин-жой отлари: *ишхона, ваннахона.*

3. Шахс отлари: *тошкентлик, халтурачи, миниатюрачи, қайнона, ашулачи, терговчи, қатнашувчи, тикувчи, ўқитувчи, ямоқчи.*

4. Фаолият-жараён отлари: *одамгарчилик, докторлик, эркаклик, момоқалдироқ, ёшлик, хурсандчилик, артистлик, хоинлик.*

Кўринадикки, ҳажвий асарлар матнида ҳам турли маъно ва ифодага эга ясама отлар ишлатилади ҳамда нутқ таркибида турли грамматик-услубий вазифаларни бажариб келган. Масалан, *артистлик, хоинлик* кабилар бош маъноси асосида эмас, балки нутқ шароити ва вазиятига мос ҳолда соф нутқий маъноларни ифодалаб ўзига хос бадиий-услубий мақсадни таъминлашга хизмат қилади.

Академик А.Ҳожиёв сифат туркуми ясаилишини тавсифлар экан, эгалик ва эга эмаслик белгисини билдирувчи сифат ясовчиларни фарқлайди. Эгалик ва эга эмаслик белгисини билдирувчи сифат ясовчилар шахс ёки нарсанинг сўз ясаилиш асосидан англашилган нарсага эгаллиги, унда шундай нарса борлиги маъносини – шу билан характерли бўлган белгисини билдиради. Булар: *-ли, -кор, -дор, сер-, -чан, кам-* сифат ясовчиларидир.

Ёзувчининг ҳажвиялари тилида эгаликни билдирувчи қуйидаги окказионал ясама сифатлар ҳам учрайди: *Э р к и н* (девордаги чодир ёнига келиб). *Азиз томошабинлар. Бугун биз сизларга “Қишлоғимиз ва районимизнинг пири бадавлат кампирлари” деган фильм намойиши қиламиз. Сиз бу фильмда колхоз ветеранлари, II Жаҳон уруши йилларида эрлари ўрнига далага чиқиб кетмон чопган, пахта терган фидокор, вафодор, ажойиб фарзандлар ўстирган қаҳрамон, колхоз даласида фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан энг юқори ҳосил олган табаррук пахтакор, ҳар қути уруздан 125 килодан тилла олган тиллакор, ҳар бир сизгидан йилига уч тоннадан сут соғиб олган (ўтирганларга қараб) кўп сут соққанларни нима дерди? **Суткор** дермиди **сизгиркор** дермиди?; *Махсум*. *Бари бир, нима десангиз ҳам бўлаверади. (“Куёв”)* Ушбу ўринда ишлатилган *суткор, сизгиркор* сўзлари ёзувчи нутқида белгига эгаликни ифодалаш билан бирга нутқнинг юмор табиатини яратишга ҳисса бўлиб қўшилган.*

Эга эмаслик белгисини билдирувчи сифат ясовчилар шахс ёки предметнинг сўз ясаилиш асосидан англашилган нарсага эга эмаслигини, шу билан характерланувчи белгини билдирувчи сифатлар ясайди. Бу турга *-сиз, но-, гайри-* кўшимчалари мансуб. Асар матнида учраган сифатлар орасида *юзсиз, беномус, ёқимсиз, эрксиз, ювуқсиз, норози, номаъқул, беминнат, бевафо, бахтсиз* каби бирликлар эга эмаслик белгини билдирувчи ясама сўзлардир. Қудрат. *Бунақа майда, итирисқи гапларни қўйинглар. Асосий гапдан гаплашайлик. Дадам ейиши-ичишидан кам эмаслар. Кийимлари ювуқсиз қолгани йўқ. Аммо қариганда битта танмахрам зарурлигини биламан. Аммо олтмиши етти ёшга кириб уйлансалар, эшитган қулоққа жуда хунук гап-да. (“Куёв”)*

А.Ҳожиёв таъкидлаганидек, ўзбек тилида феъл ясаилиши тизими бошқа сўз туркумларидаги сўз ясаилишидан фарқланувчи ўзига хос томонларга эга. Феъл ясаилишида ҳам аффиксация усули асосий усул ҳисобланади. Лекин кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Саид Аҳмад ҳажвий асарлари тилида композиция усулида ясалган окказионал ясама феъллар ҳам кузатилади. Ушбу ясама сўзларни ясаилиш моделларига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Ўзлашма сўзлар *+қил, эт, бўлмоқ* феъллари: *лакалов қилмоқ, падрушка қилмоқ, починайса қилмоқ, импан қилмоқ, зарядка қилмоқ, революция қилсак, ревезия қиляпти, примерка қилиб олмоқ, звонок чалмоқ*. (Нигора. *Ҳозир, ҳозир, ойишон. Яна беш минут зарядка қилай; Комил. Иши божамга оширилибди. Базани ҳам божам ревезия қиляпти. Мингбоев жуда устасифаранг одам экан.*)

II. Иккала қисми ҳам ўзбекча кўшма сўзлар: *совуғи ошмоқ. Жўра: Лимон еявериб, лимон гулини ҳидлайвериб совуғинг ошиб кетибди. (“Куёв”)*

“Саид Аҳмад хажвияларида номустақил лексемаларнинг нутқий воқеланиши” деб номланган учинчи бобнинг дастлабки фаслида айрим номустақил лексемаларнинг ифода имкониятлари, эволюцияси ёзувчининг хажвиялари матни асосида таҳлилга тортилди.

Дарвоқе, лексема серкирра моҳиятли лисоний бирлик, унинг ҳар бир кирраси алоҳида бир таснифга асос бўлади, ҳар бири ўз ўрнида аҳамиятли. Тилда барча туркум ўз амалий аҳамиятига эга. Дунёдаги барча тилларда ёрдамчи сўзларнинг вазифаси бир хил тарзда қайд қилинади: нутқ ифодалаш жараёнида сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлаш. Ёрдамчи сўзлар Ҳинд-Европа тилларида бу вазифани махсус белгиланган сўз билан бажарса, ўзбек тилида бу вазифа сўзлар ва қўшимчалар орқали амалга оширилади. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўз туркумлари билан доимий ва узлуксиз алоқадорликда. Бу нафақат ёрдамчи сўзларнинг матнда мустақил сўзларнинг воқеланиши учун хизмат қилади, балки ёрдамчи сўзлар хазиначисининг узлуксиз равишда мустақил сўзлар ҳисобидан бойиб ва кенгайиб боришида, бу жараённинг узлуксизлигида, ёрдамчи сўзлар тизимида тарихан мустақил сўз бўлиб, ҳозир тарихий ўзагидан батамом узилиб кетган ёрдамчи сўзлар билан (*чунончи, била*) бир сафда ёрдамчи туркумга ўтаётган (*чунончи, мақсадида, сабабли*) мустақил сўзлардан ўз алоқаларини узмаган бирликлар ҳам туришида намоён бўлади. Шу боис ёрдамчи сўзлар “соф” (мустақил сўзлар билан алоқаси узилган ёки батамом қоронгилашган сўзлар) ва “функционал” (шаклий-маъновий алоқалари мустақил сўзлардан узилмаган) каби турларга бўлинади²¹.

Ёзувчи Саид Аҳмад комедияларида қўлланган ёрдамчи сўзлар бир қатор ифода имкониятларига эга, унинг комедияларида ёрдамчи сўзлар эволюциясини кузатиш мумкин. Ёрдамчи сўзларнинг умумий функционал белгиси “боғлаш”дир. Бу вазифа боғловчи ва қўмакчилар учун ўзгармас, барқарор. Юкламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз ёки гапларга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби қўшимча маъноларни беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Юкламалар бошқа ёрдамчи сўзларга нисбатан прагматик қийматининг юқорилиги билан характерланади, қаҳрамон эмоцияси, кайфиятини очишда, китобхонга етказишда алоҳида имконият ва катта аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида *на...на* ёрдамчиси дастлаб инкор боғловчиси сифатида изоҳланди ва анча мунозараларга сабаб бўлди. Баҳс-мунозарали фикрларга Р.Расулов тадқиқоти билан бир ҳисобда чек қўйилди. Тадқиқотчи бу ёрдамчи бирликнинг уюшган бўлаклар ва қўшма гап таркибида келишини атрофлича таҳлил этиб, бундай қўлланилишларда боғлаш вазифасини махсус боғловчи воситалар амалга ошириши, *на...на* ёрдамчиси эса таъкидли инкорни ифодалашга хизмат қилишини ёрқин мисолларда кўрсатди, унинг *ҳам.... ҳам* ва бошқа ёрдамчи воситалар билан парадигматик алоқаларини

²¹ Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 77 б. – Б. 16.

тавсифлади²². Кейинчалик ушбу фикр академик А.Ҳожиев томонидан ҳам маъқулланади²³. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу ёрдамчи сўзнинг бирламчи субстанциал вазифаси юкламалик бўлса, иккиламчи вазифаси боғлашга хизмат қилишидир.

